

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

УЛУҒ МУТАСАВВУФ

Тошкент – 2005

0

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

УЛУҒ МУТАСАВВУФ

*Шайх Нажмиддин Кубро таваллудининг
860 йиллиги муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2005

78.342

У 45

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи

М.Матмурадова

Муҳаррир

Ҳ.Маматраимова

Масъул муҳаррир

О.Қиличбоев

Матн терувчи

З.Жалилова

У 45

Улуғ мутасаввуф: Шайх Нажмиддин Кубро таваллудининг 860 йиллиги муносабати билан: *Метод.-библиогр. қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмурадова; Муҳаррир Ҳ. Маматраимова; Масъул муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2005.- 38 б.*

КБК 78.342+86.38

XII-XIII аср тасаввуфининг энг ёрқин ва энг улуғ намояндаларидан бири, буюк мутафаккир Шайх Нажмиддин Кубро таваллудининг 860 йиллигига бағишланган ушбу методик-библиографик қўлланма мутасаввуф ижодини, меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишда кутубхона ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда кутубхоначилар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар ҳам берилган.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2005

МУҚАДДИМА

Миллий тарихимиз ва умум-башарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиши даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутаялман.

И.Каримов

Сўнгги вақтларда Ўзбекистонда тасаввуф таълимотини ўрганишга қизиқиш кучайиб бормоқда. Бу мустақилликнинг биринчи қадамларидаёқ халқнинг миллий онги ўсаётгани, миллий ғурури мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатувчи ижобий бир ҳолдир.

Ўтмишдаги Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақшбандийлар юртимиз ва халқимиз файзи камоли эдилар. Истиқлол туфайли шу нур, шу файз бизга қайтди.

Нажмиддин Кубро улуғ руҳоний шайх, кароматли донишманд, забардаст мутасаввуф, оташ-нафас шоир ва ажойиб файласуф, улуғ машойих ва миллий қаҳрамон, Ватан учун жон фидо қилган буюк инсон сифатида бизга азиз ва фахр ҳам ибрат намунасиндир.

У асос солган Кубровия тариқатининг қоидалари ўнта бўлиб, уларда бу тариқат йўлини тутган сўфийнинг ички маънавий дунёси қандай бўлиши кўрсатилган. Инсоннинг сабр-тоқатли бўлиши, бойлик ва мол-мулкка муккасидан кетмаслик, ҳар қандай пасткашлик, риё, макр ва

хийла-найрангга бормаслик, ҳайвоний хусусият - шаҳвоний хирсларга берилмаслик ғоялари илгари сурилади.

Кубровийлик туфайли ирфоний ҳикмат ва инсоний поклик, илоҳий маърифат ғоялари бутун Шарққа тарқалди, бу тариқат исломнинг шуҳратига шуҳрат қўшди.

Буюк тасаввуф олими, шоир ва мутафаккир, Кубровия тариқатининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубродан қатор рисоалар ва рубоийлар мерос қолган.

У яратган асарлар ва у ҳақидаги асарлар, илмий мақолалар, тўпламлар кутубхоналаримиз каталог ва картотекаларида ўз аксини топган.

2005 йилда улуғ шоир, файласуф олим, Кубровий силсиласига асос солган, мўғул босқинчиларига қарши қўлида қурол билан кураш олиб борган миллий қаҳрамон, ватанпарвар инсон Нажмиддин Кубронинг таваллуд топганига 860 йил тўлади. Бу улуғ сана нафақат ўзбекистонликларнинг, балки бутун мусулмон Шарқ дунёсининг ҳам кутлуғ байрами сифатида нишонланади.

Республика кутубхоналарининг вазифаси китобхоналар диққатини Шайх Нажмиддин Кубро ижодига жалб қилиш ва унинг ижодини тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда кутубхоналар адабиётлар тарғиботининг китоб тақдимоти, илмий-амалий конференция, китобхоналар конференцияси, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати, билимдонлар беллашуви, мавзули ва мунозара кечалари, учрашув, хотира кечалари, оғзаки журнал, китоб кўргазмалари, унинг асарлари ва у ҳақидаги асарларнинг обзорлари сингари турли туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналарда мавзунинг асосий мазмунини етказиб бера оладиган файласуфлар, диншунослар, тарихчилар, филологлар, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Кутубхоналарга: “Маънавият ва маърифат” марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Олтин мерос”, “Нуроний” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, файласуфлар жамияти, ёзувчилар уюшмаси вакиллари, файласуфлар, диншунослар, тарихчилар, ёзувчи ва шоирлар, хотин-қизлар қўмиталари, журналистлар билан ҳамкорликда оммавий тадбирларни ташкил этишлари ва ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Ушбу методик-библиографик қўлланмада кутубхоналарда Шайх Нажмиддин Кубронинг 860 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида китобхонлар билан ишлашнинг айрим шакллари кўриб чиқилган.

Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолияти (1145 – 1221)

*Ҳазрати Шайх Кубро – жамиъ
муслмонларнинг аълоси.*

Мирзо Улуғбек

Шарқ машойихлари орасида бутун умрини Ҳақ йўлига тикиш билан бирга халқи, ватани, умуман инсониятни зулм ва жаҳолатдан қутқариш учун жонфидолар қўп бўлган. Ана шундай мутафаккирлардан бири ватандошимиз Нажмиддин Кубродир.

Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хева шаҳрида дунёга келади. Нажмиддин Кубро таҳаллуси, асл исми шарифи Аҳмад ибн Умар Муҳаммад ал-Хевакий ал-Хоразмий бўлиб, “Нажмиддин”, “Кубро”, Абулжанноб”, “Валийтарош” сўзлари бу зоти мукаррамнинг лақаб, унвон ва куниятидир. У зиёли хонадонда тарбияланган. Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асарида қайд этилишича, Аҳмад ёшлигидан илм-донишга қизиққан қобилиятли киши бўлган. У Ислом асослари, шариат илмларини жуда тез ўзлаштириб

олиб, Хоразмнинг манман деган уламоларидан ўзиб кетади ва “илм балоси” деган лақабни олади. Бунинг ёнига “Нажмиддин – “диннинг юлдузи” деган мартаба-унвон кўшилиб, Аҳмад ибн Умар шундан кейин Нажмиддин Кубро номи билан машҳур бўлиб кетади. “Абулжанноб” сўзи эса Нажмиддин Кубронинг куниятидир, мазкур сўзнинг маъноси дунёдан парҳез қилган тақводорнинг отаси демақдир, бошқача қилиб айтганда шайхнинг тақво ва тавба посбони эканлигига ишорадир.

“Валийтарош” лақабига келсак, бу сўзнинг маъноси валиларни тарбияловчи демақдир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Нажмиддин Кубронинг нафаслари, назарлари шунчалик зўр бўлганки, қалбларида илҳом-важд жўш урган пайтда кимга назарлари тушса, у валийлик мартабасини топар экан.

Нажмиддин Кубро тахминан ўн олти-ўн етти яшарлигида Ватани Хоразмни тарк этиб, таҳсилни чуқурлаштириш мақсадида Эрон, Миср, Шому Ироқ мамлакатларини кезади. Тарикатдан хабардор бўлишга интилиб, бир неча шайх, дарвишлар суҳбатида бўлади. Илк дафъа Мисрда шайх Рўзбеҳон ал-Ваззон Мисрийга мурид тушади, ундан тарикат одобини ўрганади, шайхнинг қизига уйланади. Кейинчалик Ҳамадонда шайх Аммор Ёсир, Дизфулда шайх Исмоил Қасрий каби устозлардан сабоқ олади.

У 25 йилдан ортиқ умрини илм таҳсилига бағишлаган. Нажмиддин Кубронинг буюк сўфий шайх бўлиб етишишида уч нажиб инсон – Рўзбеҳон Мисрий, Аммор Ёсир ва Исмоил Қасрийларнинг хизмати сингган.

Нажмиддин Кубро Хоразмга 1185 йилда хотини ва фарзандлари билан қайтиб келади. У Хоразмга қайтгач, катта хонақоҳ қурдириб, тарикатда янги бир мактаб-ўналиш ҳисобланмиш Кубровия силсиласини асослади. Унинг қўли остида юзлаб одамлар тарбияланиб, ислом маърифатдан, илоҳий ирфондан баҳраманд бўлдилар.

Нажмиддин кишиларни эзгуликка, илмга, саховат ва мардликка даъват этди.

Нажмиддин Кубронинг “Кубровия” ёки “Заҳобия” тариқати мактабида Мажиддин Бағдодий, Фаридиддин Аттор, Баҳоуддин Валад (Жалолиддин Румийнинг отаси), Саъдаддин Ҳамавий, Бобо Камол Жондий, Шайх Радидуддин Али Лоло, Сафиддин Саъид ал-Бохарзий, Бадриддин Фирдавсий ас-Самарқандий, Нажмиддин ад-Дойо, Аҳмад ал-Гурпоний, Нуриддин Абдурахмон ал-Исфароний, Рукшиддин Ало-уд-Давло, Ас-Симноний, Али-е Ҳамадоний, бин Шаҳобиддин ва бошқа буюк мутасаввуф шоир ва воизлар таҳсил кўришди. Шу тариқа у ўз мактабининг довуғи билан бутун Шарқда “Шайхи валитарош” – авлиёлар тарбиялаб етиштирувчи мўътабар устоз ва мударрис сифатида шуҳрат қозонди. Шундай қилиб кўшни Шарқ мамлакатларида унинг шогирдлари янги Кубровия тариқатининг моҳиятини сақлаган ҳолда турли шаклларда ривожлантирдилар.

Нажмиддин Кубро тасаввуфнинг буюк амалиётчиларидан биридир, унганча Хоразм халқи ушбу таълимотдан бебаҳра эди. Нажмиддин валийлик камолоти, тариқат риёзати ва ўзини ўзи поклаш, маънавий етукликка интилишни урфга-анъанага айлантирди.

Нажмиддин Кубро ҳазратлари тафсир, ҳадис, тасаввуф ва бошқа масалаларга оид, шунингдек рубоийлар мерос қолдирган. Бироқ, замона зайли билан таниқли турк олими Моҳир Из айтганидек, бу асарлардан ўнчаси бизгача етиб келган холос. Улардан асосийлари: “Фавоих ал-жамол ва фавотиҳ ал-жалол” (“Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи”), “Ал-усул ал-ашара” (“Ўнта усул”), “Рисола ат-турук” (“Тариқатлар рисоласи”), “Рисолат ал-хоиф ал-ҳоим мин лавм ал-лоим” (“Маломатчининг маломатидан ҳазар қилувчи ҳақида рисола”) ва бошқалар.

Нажмиддин Кубронинг форс тилида ёзган “Фи одобус соликин” (“Солиқлар одоби ҳақида”) рисоласи ҳам бор.

Шайх Нажмиддин Кубро хонақоҳда мурид тарбиялашнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқади, ўнта талаб асосида тариқат манзилларини босиб ўтиш ва покланиб, маърифатга эришиш йўллари борлигини кўрсатади. “Рисола ат-турук” (“Тариқатлар рисоласи”), “Ал-усул ал-ашара” (“Ўнта усул) номли китобларида сўфийлар тарбиясида қуйидаги ўнта талабнинг муҳимлиги қайд этилади: Тавба, Зухд, Тавоккул, Қаноат, Узлат, Таважжух, Сабр, Мувоқабат, Зикр, Ризо.

Нажмиддин Кубронинг “Ал-усул ал-ашара” рисоласи теран фалсафий асар бўлиб, XIII аср фалсафий йўналишларига кучли таъсир этган, деган фикрлар бор.

Нажмиддин Кубро оташнафас шоир ва ажойиб файласуф ҳам эди. У кўпроқ рубоий жанрида ижод этди. Асарларини форс тилида ёзган, у Хоразмшоҳлар даврида давлат тили эди. Рубоийларидан баъзилари мақбараси гумбазига ёзилган, шунингдек, “Риёз ул-орифин”, “Оташкада”, “Мажолис ул-ушшоқ”, “Тарих гузида”, “Тазкират уш-шуаро”, “Муштаҳоби мирсад ул-ибод” каби тарихий асарлар, луғат ҳамда баёзлар орқали бизгача етиб келган.

Адиб рубоийларини Е.С.Бертельс турли қўлёзма манбалардан жамлаб олган ва ўзининг сўфийлик ҳақидаги ишида улардан фойдаланган. 1965 йилда Москвада чоп этилган “Танланган асарлар”ига ҳам киритган.

Шайх Нажмиддин Кубронинг рубоийларидаги асосий ғоя комил инсонни тарбиялаш, одамни ҳалокатга бошловчи нафс, ҳусумат, гумон, таъма, нифоқ, риё, фосихлик кабилар билан боғлиқ гуноҳлардан, яъни салбий феъл-атвордан халос бўлиб, фақат яхши ишлар билан умргузаронлик қилишга, руҳий поклик йўлига киришга чорлашдан иборатдир.

*Ҳар сабзаки сув яқосида юз очмиш,
Бир руҳи фариштадур, магар кўз очмиш.
Бир ҳоки паривашики, ёмон қўйма қадам,
Бу гўшаки учун лолаву наргис очмиш...*

Мутасаввуф шоир рубоийларида инсонни жисмоний ва маънавий покликка даъват этади. Унинг рубоийларида буюк инсоннинг фалсафий мушоҳадалари, жўшқин ва машаққатли умрининг тажрибалари, умумлашмалари, абадий ишқ ва ҳақиқатга интилган инсон қалбининг орзу-истаклари ўз ифодасини топган:

*Чун ҳар неки йўқ... йўқдир у -буду ҳавас,
Чун ҳар неки бор, бори-нуқсону-шикаст.
Билгилки, у йўқ деганлари-бор, ҳаёт,
Кўргилки, у бор демишлари-йўқ, абас.*

Нажмиддин Кубронинг бадиий ижоди кам сақланган, борлари ҳам ҳалигача адабиётшунослигимизда ўрганилмаган. Унинг 25 рубоийси шоирлар Жамол Камол (1988 йилда), Матназар Абдулҳаким (1991 йилда) томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тарихидаги яна бир хизматлари – жавонмардлик ғояларини тариқатга жорий этиш бўлди. Аслида, бу иш илгари бўлган, чунончи Абусаид Абулхайр (XI аср) саҳоват ва мардликни сўфийнинг сифатларидан ҳисоблайди. Бироқ Нажмиддин бу қарашни сўфийлар ҳаётига яна ҳам изчилроқ сингдириб юборди. Натижада, мардлик ва поклик, қахрамонлик ва фидойилик, маърифат ва жисмоний-руҳий қудрат бирлаштирилди, инсон камолотида ахлоқий юксаклик, ватанпарварлик ғоялари қўшилиб ифодаланди.

Дарвоқе, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолияти тўғрисида шоирлар, олимлар ўз асарларида маълумотлар қолдирганлар. Жумладан, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, Фахриддин ас-Сафий-

нинг “Рашахот айн-ул-хаёт”, Фуод Купрулзоданинг “Турк адабиётида илк мутасаввуфлар”, Ҳожи Халифанинг “Тухфат ал-фуқаро”, араб тарихчиси Ёқутнинг “Муъжам”, Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк”, Е.Э. Бертельснинг “Тасаввуф ва тасаввуфий адабиёт”, “Шайх Нажмиддин ҳақидаги қисса”, Николсоннинг “Ислому ва тасаввуф”, Ж.С.Тримингэмнинг “Ислому да сўфийлик тариқатлари” каби асарларида ул зот тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

Мустақиллик шарофати билан Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари каби буюк зотларнинг қадрига етиш, илмий-ижодий меросини ўрганиш, тадқиқотлар олиб бориш, таваллуд топган кунларини нишонлаш каби имкониятларга эга бўлдик.

Жумладан, олимларимиз томонидан қатор рисолалар ва илмий мақолалар нашр этилди: Э.Юсупов муҳаррирлигида “Шайх Нажмиддин Кубро” мақолалар тўплами (1995), Н.Комиловнинг “Нажмиддин Кубро” (1995), “Тасаввуф” иккинчи китоби (1999), Исломи Ҳомадхоннинг “Нажмиддин Кубро” (1995) каби рисолалари ҳамда Азиз Қаямов, Э.Юсупов, Н.Қобулов, С.Хасанов, Ориф Усмон, Ҳамиджон Ҳомидий ва бошқаларнинг қатор илмий мақолалари чоп этилди. Шунингдек, Нажмиддин Кубро образи ақс эттирилган бадиий асарлар ва шеърлар ҳам яратилди. Масалан, А.Улуғовнинг “Шайх Нажмиддин Кубро” сахна асари, Муҳаммад Ғозининг “Шайх Нажмиддин Куброх мурукабаки: Бисмиллаҳур раҳмонир раҳим” шеъри, Ошиқ Эркиннинг “Кубро бобо” шеъри, Пўлатбек Эрматнинг “Шайх Нажмиддин Кубронинг хитоби” кабилар.

Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ул-унс” асарида ёзишча, босқинчилар шаҳарга кирганда Нажмиддин Кубро олтимиш ҳамроҳини тўплаб ватан ҳимоясига даъват этади. Аммо улар қуюндек душман ваҳмидан тумтарақай қочадилар. Кубро эса қўйнига тош тўлдириб, қўлига ханжар олиб

жангга киради: душманнинг ёмғирдай ўқлари остида уларга тош отишни канда қилмайди. Ва ниҳоят бир ўқ қалбига кадалиб, йиқилади. Шу орада Кубро ғаним байроғидан бирини кўлга киритганди. Ўнта мўғул унинг кўлидан байроқни тортиб ололмай, охири кесиб олишади. Бу жасоратли фожеа 1221 йил юз берган эди.

Ҳозир Кубронинг мақбараси Кўхна Урганч (Туркменистон)да бўлиб, халқнинг энг қутлуғ зиёратгоҳидир.

Нажмиддин Кубро рубойларидан намуналар

*Чун ҳақ ва талаб йўлига кирмоқ жоиз,
Дунё этагин тутиб, югурмоқ жоиз.
Кўрмоққа ўзингни саъй этгил, зеро,
Олам кўзи бирлан уни кўрмоқ жоиз...*

* * *

*Ишқ этса кўнгилга, дилга у дард айлар,
Дарди дили мард мардни боз мард айлар,
Ўз оташи ишқида ёнар ул, вале
Дўзахни чу ўзгалар учун сард айлар...*

* * *

*Васлинг ила толеим фузундир кечаси,
Ҳажринг била бори дийда хундур кечаси.
Ай, зулфинг ўлиб мисоли кун сўнгида шом,
Вой, икки юзинг мисоли кундир кечаси...*

* * *

*Ой юзли санамларки, чу офтоб сийна,
Ул асли чигиллардан элини, ўйлагин-а,
Кўнгил олишар ва жонга ханжар солишар,
Ул жумла бало бўлса, алардин не гина...*

(Рубойларни Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржима қилган).

*Огоҳ бўл ҳамиша, бу жаҳондир бор-йўқ,
Ҳеч нарса йўқ унда кемтиги зинҳор.
Йўқ десалар, бор деб уни қил исбот,
Бор десалар, айла дадил инкор: “Йўқ!”*

* * *

*Толибки, талаб йўлига тез етмак шарт,
Бошқасидан қўлни ювиб кетмак шарт.
Элга шифо бахш эту оч кўзларини,
Олам ҳама –Ул, Унга назар этмак шарт.*

* * *

*Ёрим мени зор этгани чин, ҳақмишидир,
Ошиқ эли ҳам йўлига муштоқмишидир.
Кокилларин ҳар ториға бир дил боғлиқ,
Сочига шунча гунча, гул тақмишидир.*

* * *

*Покиза шароб ичиб, кўзинг гирён қил,
Дунёни яратган қошиға жавлон қил.
Узлатда кўзинг ёшиға гарқ бўл аста,
Бу мулкни секин фигон чекиб, бўстон қил.*

(Рубоийларни форсчадан шоир Матназар

Абдулҳаким таржима қилган).

Нажмиддин Кубро каромату ҳолатларидан мисол ва ривоятлар

Назарнинг ўткирлиги

Бир кун Нажмиддин Кубро шундай ҳолатда эканликларидан хонақоҳга бир савдогар томошо учун кириб келади. Шайхнинг назари муборак савдогарга тушади ва савдогарнинг ҳолати ўзгариб ўз касбидан воз кечади, қалбида валилик нури пайдо бўлади. Шайх ҳазратлари унга қараб: энди юртингга бориб, тариқатни эл орасига ёй, чунки сен насиба топдинг, деб башорат этадилар.

Бир кун Шайх Нажмиддин муридлари билан ўтирган эди. Осмонда бир қарчиғай саъвани қувиб борарди. Шайх-

нинг назари саъвага тушди ва шу заҳоти саъва журъатланиб орқасига қайтди ва қарчиғайга ташланиб уни енгди ҳамда тутиб, келтириб, Шайх оёғи остига ташлади.

Воқеаларни олдиндан кўриш

Бир кун Нажмиддин Кубронинг суюкли муриди Маждиддин Бағдодий дарвешлар билан ўтирган эди. Унда беҳудлик ҳолати юз берди, дарвешларга қараб деди: биз ўрдак тухумлари эдик, шайхимиз Нажмиддин товук эди, бизни очди, биз дарёга қараб йўл олдик, у эса қирғоқда қолди. Бу гап Нажмиддин Кубронинг қулоғига етганда, у хафа бўлди ва Маждиддинни қарғаб, “ва ўша сувда ғарк бўлиб ўл”, деди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай бир сабаб билан Муҳаммад Хоразмшоҳ Маждиддинга ғазаб қилиб, уни Амударёга чўктириб ўлдирди. Бу воқеадан хабар топган Нажмиддин яна баттарроқ ранжийди. Энди у Хоразмшоҳнинг ҳалокатидан, Чингизнинг босиб келиши ва обод шаҳарларни вайрон қилишидан башорат беради. Муҳаммад Хоразмшоҳ олам жаҳон тухфа билан Шайх олдига кечирим сўраб келади, бошини оёғига қўйди. Аммо Шайх унга шафқат қилмайди: “Энди кеч бўлди, фарзандим Маждиддин қони жамики эл-авлодинг, молу мулкингни берганингда ҳам ювилмайди, қонни қон ювади” деб жавоб беради. Бу кароматлар тезда содир бўлди – Хоразм ўт ичида қолди.

Муроқабани йўли билан ўзига мурид танлаш

Бир кун Нажмиддин Кубро муриди Бобо Камол Жандийга бир хирқа бериб, деди: “Буни олиб Туркистон диёрига боргин, у ерда муфтий Мавлоно Шамсиддиннинг Аҳмади Мавлоно деган фарзанди бор, ўшанга кийдиргин ва уни бизнинг хузуримизга олиб келгин”. Бобо Камол хирқани олиб Туркистонга жўнайди ва Аҳмади Мавлонони топиб келади. Аҳмади Мавлононинг отаси: бу ўғлим нимжон, каттасини олиб боринг, у бақувватроқ, деб айтади. Лекин Бобо Камол Шайх Нажмиддин тайинлагани учун айнан кичик ўғлини олиб келади. Аҳмади Мавлоно дарҳақиқат

хам катта ихлос билан шариату тариқат илмларини ўзлаштириб, тезда истеъдоди намоён бўлади ва ҳатто ўз акасини ҳам кейинчалик тарбиялайди. Бу Шайх Нажмиддиннинг ғойибона одамларни танишига бир мисол, холос. Яна бир воқеа: Аҳмад Яссавий хонақосида юрган Айнуззамон Жамолиддин Гейли деган одам Нажмиддин Кубро овозасини эшитиб, Туркистондан Хоразмга йўл олади. Бир қанча китобларни ўзи билан бирга олиб келган эди. Хоразмга яқинлашганда, кечаси туш кўради. Тушида Нажмиддин унга қараб дейди: “Эй, Гейли, орқангдаги юкингни ташла!” Уйғонгандан кейин, фикр қилиб, бу гап китобларга ишора бўлса керак деб китобларни Жайхун сувига улоқтиради. Гейли Нажмиддин билан келиб учрашган заҳоти Шайх унга қараб дейди: “Агар ул юкингни ташламаганингда, келишинг бефойда эди”, чунки сўфий илми китобда эмас, балки калбадир.

Нажмиддин Кубро насиҳатларидан намуналар

Дунё кездим, тажриба орттирдим, қийинчиликларга дуч келдим, кишилар билан суҳбат қурдим, улуғ ишлар этагидан тутдим, тирикчиликнинг аччиқ-чучугини тотдим, китобга ошно бўлдим, олимлар хизматида турдим, умримни дунё излаш билан зое ўтказдим, ажойиботларга йўлиқдим-кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез ўтиб кетадиган, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан.

* * *

Дунё-ю охират яхшилигини қаноатда, ёмонлигини таъмада кўрдим.

* * *

Энг гўзал безак тавозеъ, энг хунуги бахиллик экан.

* * *

Хусни хулқдан кўра яхшилик устига яхшилик қўшадиган, ҳасаддан кўра ёмонлик устига ёмонлик қўшадиган нарса кўрмадим.

* * *

Илтимосга қолган кунда ўлимни, босиқлик ва тамасизликда барҳаётликни кўрдим.

* * *

Муваффақиятсизликни лоқайдлик ва дангасаликда, балони тилда, ҳаловатни сукутда кўрдим.

* * *

Кўрдимки энг ноёб неъмат – ростгўйлик ва қахрамонлик, энг оғир бало мунофиқ дўстлар экан.

* * *

Кўрдимки, энг яхши дўст илм экан.

* * *

Шариат ва диннинг пойдевори сабр ва ишонч; ибодатларнинг энг афзали фарзларни адо этиш; одатларнинг энг маъқули ва чиройлиси гуноҳлардан, одамларга озор беришдан тийилиш экан; ўлимдан оғирроқ кулфат ўтган ишга пушаймонлик экан.

* * *

Эй ақл ва тафаккур аҳли, билингизким, дунё бокира кампирдир. У маккор, ғаддор ва қочоқ бўлиб, ҳар лаҳза бир дўст танлайди ва ҳар он анчаларни ўлимга чорлайди. Унинг денгизи чуқур, унда сузган чўқади, уни севган йўлдан озади ва унинг дўсти ҳалокатга учрайди.

* * *

Энг тез ўтадиган ва энг тез завоқ топадиган нарса умр ва дунёдир. Энг яқин нарса ўлим ва энг узоқ нарса умид-истак ва энг яхши нарса виқор (оғирлик)дир.

* * *

Яхшиликларни қамраб олган сифатлар ичида энг эзгуси ахлоқ гўзаллиги, ёмонликларни қамраб олган сифатлар ичида энг ёмони ҳасаддир.

* * *

Камтарлик энг яхши безак, бахиллик энг ёмон нарсадир.

Нажмиддин Кубро ҳақида

У кишининг Кубро деб аталишларига сабаб шуки, беҳад зийракликлари ва туганмас заковатлари туфайли ҳар қандай муаммоли масалани сўралганда ҳал қилиб берар эдилар ва ҳар ким у киши билан баҳс-мунозара қилса, ғолиб чиқар эдилар.

Али Акбар Деххудо

Шайх Нажмиддин Кубро – куниятлари Абул Жанноб, отлари Аҳмад ибн Умар Хевакий ва лақаблари Кубро ва дебдурларки, аларға Кубро-андин лақаб бўлдики, йигитлик авониндаки, зоҳир илми таҳсилиға машғул эрмишлар, ҳар ким билаким мунозара ва мубоҳаса қилсалар эрмуш, ул кишига ғолиб бўлурлар эрмуш ва аларни “Шайхи валитарош” дептурлар. Анинг учунким, важду ҳол ғалаботида муборак назарлари ҳар кимга тушса, вилоят мартабасига етар эмиш.

Алишер Навоий

Мен бутун дунё ташвишларидан кутулиб, Шайх Нажмиддин Кубронинг мозорини кунда бир марта зиёрат қилиб ва супуриб кун кўрсам ўзимни дунёда энг бахтиёр ҳисоблар эдим.

Хусайн Бойқаро

Биз ўшал соғар ичадиган мухташамлардандурмиз.
Озгин (тирриқ) эчки етакловчи муфлислардан эмасмиз,
Бир қўлда иймоннинг холис майини қўш этсак,
Бошқа қўлимизда эса кофир байроғини қаттиқ
тутамиз.

Мавлоно Жалолиддин Румий

Нажмиддин Кубро ватан севгиси билан яшаб келди. У ҳеч қачон киндик қони тўқилган ватани – Хоразмни унутмади, ўз халқи билан яшаш ва улар орасида маърифат нурини тарқатиш туйғулари унинг ўз ватанига қайтиб келишига сабаб бўлди.

Абдулҳаким Шаърий Жузжоний

Шайх Нажмиддин Кубронинг асарлари ёлғиз тасаввуфга хос бўлмаган. Сабкийнинг кўрсатишича, у Куръони Мажидни 12 мажаллада тафсир қилган экан. Бу “Айн ал-хаёт” номли тафсирдур. Манбаларнинг баёнича, бу асар Шайхнинг шогирдлари томонидан охирига етказилган.

Сайид Муъашширхон Косоний

Хоразмдан чиқаверишда бир зовия бор. У энг буюк авлиёлардан бири бўлмиш Нажмиддин ал-Кубро қабри узра бунёд этилган.

Ибн Баттута

Нажмиддин Кубро узоқ муддат, умрининг деярли ярмидан кўпини, ўзга юртларда ўтказиб илм ўрганди. Нишопур, Исфохон, Табриз, Ҳамадон, Макка, Ҳалаб, Искандария каби шаҳарларда яшаб йирик тасаввуф намояндаларидан сабоқ олди. Мусофирлик азиятлари, билимга бўлган кучли ихлос ва интилиши туфайли йирик тасаввуф шайхи бўлиб етишди.

О.Бўриев

Шайх Нажмиддин Кубро дониш ва ҳикмат, ирфон ва заковат юлдузларидандирким, замонлар ва давронлар пардаси орқасидан ярқираб бизга боқиб турибди.

Н.Комилов

Нажмиддин Кубро тарихда буюк алломагина эмас, балки ўз ватанининг озодлиги учун мислсиз мардлик намуналарини кўрсатган миллий қаҳрамон сифатида ҳам ном қолдиргандир.

Э.Юсупов

XII асрда яшаб ижод этган забардаст инсонпарвар шоир, кубровия тариқатининг асосчиси, буюк мутафаккир, мутасаввуф донишманд, довюррак саркарда ва улуғ ватанпарвар Шайх Нажмиддин Кубронинг ажойиб, ривоятларга тўла ибратомуз ҳаёти, унинг тариқати, хайрли фаолияти

хамда ижоди авлодлар оша ибрат бўлиб қолиши шубҳасиздир.

О.Усмонов

Найх Нажмиддин Кубро ҳазратлари яратган гўзал уммонга тушиб, руҳан покланиб, миллат ва Ватан манфаати йўлида ғайрат кўрсатишга отланиб чиникишингизга шубҳа йўқ.

Бобохон Муҳаммад Шариф

**“Мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввуф Шайх
Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолиятини биласизми?”
мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилишга
тавсиялар**

Беллашувни ўтказишдан мақсад китобхонларни Нажмиддин Кубро ижоди ва фаолияти билан таништириб, шариат ва тариқат илмининг буюк донишманди яратган илмий асарлар ва рубойларни ўқиш, ижоди, таржимаи ҳоли, тариқати, кароматлари, муридлари, насихат ҳамда ҳикматлари, у ҳақидаги нашр этилган илмий ва бадиий асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Ҳар бир гуруҳ 8 ёки 10 нафар китобхондан ташкил топади. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадилар. Кутубхонада бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонларнинг эътиборини Нажмиддин Кубронинг асарларига, у ҳақидаги асарларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган жойда Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмасини ташкил этишни тавсия қиламиз.

Куйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Нажмиддин Кубро қачон ва қаерда таваллуд топган?

(Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хива шаҳрида дунёга келган. Унинг асли исми Аҳмад бин Умар Муҳаммад ал-Хевакий ал-Хоразмий бўлиб, кунияси “Абулжанноб” (такводдорлар отаси)дир. Шариат ва тариқат илмининг буюк донишманди бўлгани учун “Кубро” (улуғларнинг улуғи, “Нажмиддин” (диннинг юлдузи) деган лақабларни олган. Истеъдодли муридларни тарбиялашда маҳорат кўрсатгани сабабли уни “Шайх валитарош” (валиларни вояга етказувчи) ҳам деганлар).

2. Нажмиддин Кубро неча ёшларида Хоразмни тарк этиб, таҳсилни чуқурлаштириш мақсадида бошқа мамлакатларга кетади?

(У тахминан ўн олти-ўн етти ёшларида Ватани Хоразмни тарк этиб, таҳсилни чуқурлаштириш мақсадида бошқа мамлакатларга кетади).

3. У қайси мамлакатларда бўлади?

(Нажмиддин Кубро таҳсилни чуқурлаштириш мақсадида Эрон, Миср, Шому Ироқ мамлакатларида бўлади).

4. Нажмиддин Кубро қайси шаҳарлардаги атоқли олимлардан шариат илмлари, ҳадис ва тафсирини чуқур ўзлаштириб, донишманд инсон бўлиб етишади?

(У Бағдод, Табриз, Нишопур, Тус, Дизфул, Дамашқ, Қоҳира шаҳарларидаги атоқли олимлардан шариат илмлари, ҳадис ва тафсирини чуқур ўзлаштириб донишманд инсон бўлиб етишади).

5. Нажмиддин Кубро Мисрда кимга мурид тушган?

(Манбаларда берилишича, Нажмиддин Кубро илк дафъа Мисрга бориб, Шайх Рўзбеҳон ал-Ваззон Мисрийга мурид тушган. Бир неча йил Шайх Рўзбеҳон раҳбарлигида тариқат одобини ўрганади, шайхнинг қизига уйланади).

6. Нажмиддин Куброга иродат хирқаси (ёки “хирқай асл”)ни кийдириб, Хоразмга қайтиб бориб, у ерда тариқатни жорий этишни тавсия қилган шахс ким?

(Исмоил Қасрий Нажмиддиндаги такаббурлик, зоҳирий илмларга бино қўйиш майлини сингдириб, маънавий-маърифий камолот босқичларига кўтарилишига ёрдам беради. Нажмиддинда ботиний ажойибот пайдо бўлиб, валийлик аломати кўрингач, Шайх Исмоил унга иродат хирқаси (ёки “хирқай асл”) кийдириб, Хоразмга қайтиб бориб, у ерда тариқатни жорий этишни тавсия қилади).

7. Нажмиддин Кубронинг буюк сўфий шайх бўлиб этишишида кимларнинг хизмати кўп сингган?

(Нажмиддин Кубронинг буюк сўфий шайх бўлиб этишишида уч нажиб инсон – Рўзбеҳон Мисрий, Аммор Ёсир ва Исмоил Қасрийларнинг хизмати сингган).

8. Нажмиддин Кубро кишиларни нимага даъват этган?

(Нажмиддин Кубро кишиларни эзгуликка, илмга, саховат ва мардликка даъват этган).

9. Нажмиддин Кубронинг қандай асарларини биласиз?

(Нажмиддин Кубро ўз қарашларини араб тилида ёзган бир неча рисоаларида баён этган. Жумладан, “Фавоих ал-жамол ва фавотиҳ ал-жалол” (“Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи”), “Ал-усул ал-ашара” (“Ўнта усул”), “Рисолат ат-турук” (“Тариқатлар рисоласи”), “Рисолат ал-хоиф ал-хоим мин лавм ал-лоим” (“Маломатчининг маломатидан ҳазар қилувчи ҳақида рисола”) ва форс тилида ёзган “Фи одобус соликин” (“Солиқлар одобини ҳақида”) рисоалари бор).

10. Нажмиддин Кубро тасаввуфда кимнинг йўлини тутган?

(Нажмиддин Кубро тасаввуфда Жунайд Бағдодийнинг “сахв” (хушёрлик) йўлини тутган).

11. Нажмиддин Кубро мурид тарбиялашда қандай усулларни ишлаб чиққан?

(Нажмиддин Кубро хонақоҳда мурид тарбиялашининг ўзига хос усулларини ишлаб чиқади, ўнта талаб асосида тариқат манзилларини босиб ўтиши ва покланиб, маърифатга эришиш йўллари борлигини кўрсатади. Тавба, Зухд, Таваккул, Қаноат, Узлат, Зикр, Таважжух, Сабр, Мууроқаба, Ризолардан иборат).

12. Нажмиддин Кубронинг қайси асари фалсафий асар ҳисобланади?

(Нажмиддин Кубронинг “Ал-усул ал-ашара” рисола-си теран фалсафий асар ҳисобланади).

13. Нажмиддин Кубро қайси замондош мутафаккирлар билан биргаликда кимлар бошлаган ишни ривожлантирди?

(Нажмиддин Кубро Ибн Арабий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Азизиддин Насафий деярли замондош мутафаккирлар эдилар, уларнинг ҳар бири тасаввуф ва фалсафани қўшишда алоҳида хизмат кўрсатади ва Ҳаким ат-Термизий, Имом Ғаззолий бошлаган ишни ривожлантирди).

14. Нажмиддин Кубронинг кароматларидан қайсиларини биласиз?

(Нажмиддин Куброда кароматнинг кўринишлари кўп. Жумладан, назарнинг ўткирлиги, воқеаларни олдиндан кўриш, мууроқаба йўли билан ўзига мурид танлаш қабилар).

15. Нажмиддин Кубронинг муридларидан кимларни биласиз?

(Маълумотларга кўра мўғуллар истилоси арафасида Шайхнинг муридлари тўрт юздан ортиқ бўлган. Улар

орасида номлари тарихда қолган, ўзлари ҳам катта шайх даражасига кўтарилган бир неча кишилар бор.

Булар: шайх Мажиддин Бағдодий, шайх Саъдиддин Ҳамавий, шайх Сайфиддин Бохарзий, шайх Айнуззаман Жамолиддин Гейли, шайх Бобо Камол Жандий, шайх Нажмиддин Розий Доя, шайх Розиддин Али Лоло, шайх Жамолиддин Ахмад Журфоний ва бошқалар).

16. Нажмиддин Кубро инсонни тубанлаштирувчи нафсни дев қиёфасида тасвирлаган рубоийсини айтиб беринг?

*(Девест даруни ман, ки пинҳони нест,
Бардоштани сараш ба осони нест.
Иймонаниши ҳазор бор талқин кардам,
Он кофирро сари мусулмон нест).*

17. Нажмиддин Кубронинг ишқ тўғрисида ёзган рубоийсини айтиб беринг?

*(Ошиқ кишининг кўнгли тўла дард бўлғай,
Дил дарди билан мард яна ҳам мард бўлғай.
Ўз ишқи ўтида у ёнаркан бул дам,
Дўзах ўти ўзгалар учун сард бўлғай).*

18. Куйида келтирилган парча кимнинг асаридан олинган?

Босқинчилар шаҳарга кирганда Нажмиддин Кубро олтмиш хамроҳини тўплаб ватан ҳимоясига даъват этади. Аммо улар куюндек душман ваҳмидан тумтарақай қочадилар. Кубро эса қўйнига тош тўлдириб, қўлига ханжар олиб жангга киради: душманнинг ёмғирдай ўқлари остида уларга тош отишни канда қилмайди. Ва ниҳоят бир ўқ қалбига қадалиб, йиқилади. Шу орада Кубро ғаним байроғидан бирини қўлга киритганди. Ўнта мўғул унинг қўлидан байроқни тортиб ололмай, охири кесиб олишади. Бу жасоратли фожеа 1221 йили юз берган эди.

(Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асаридан олинган).

19. Куйида келтирилган парча Нажмиддин Кубронинг қайси асаридан олинган?

*Тангрисин танимас эй гофил банда
Кўзингни қопламиш жаҳолат туни,
Нафсга қулликни шиор этибсан,
Жисмингни ўртасин дўзах тутуни!
Тангрининг бирлиги, ягоналиги
Ою қуёшдан-да равшандур, равшан!
Коинот дафтарин ҳар саҳифаси
Тўладир беҳудуд далиллар билан.*

(Нажмиддин Кубронинг “Фақирлик ҳақида рисола” сидан олинган).

20. Нажмиддин Кубронинг ҳаёт йўли ким учун ибрат мактаби бўлган?

(Шайх Нажмиддин Кубронинг ҳаёт йўли Жалолиддин учун ибрат мактаби бўлган).

21. Нажмиддин Кубро силсиласига мансуб бўлган мутасаввуфлар орасидан кимларни биласиз?

(Нажмиддин Кубро силсиласига мансуб бўлган мутасаввуфлар орасида Сайфиддин Саъид ал-Бохарзий, Мажиддин ал-Бағдодий, Бадриддин Фирдавсий ас-Самарқандий, Фаридиддин Аттор, Радидуддин Али Лоло, Нажмиддин ад-Дойо, Аҳмад ал-Гурпоний, Нуриддин Абдурахмон ал-Исфароний, Рукниддин Ало-уд-Давло, ас Симноний, Али-е Ҳамадоний бин Шаҳобиддин ва бошқаларни кўрсатиш мумкин).

22. Нажмиддин Кубронинг рубойлари қайси рубойнавис рубойлари билан мазмунан ўхшаш?

(Нажмиддин Кубронинг рубойлари Умар Хайём рубойларига мазмунан ўхшаб кетади).

23. Ушбу келтирилган парча қайси асардан олинган?

Ниҳоят Аҳмад Бағдодга келиб бу ерда Шайх Иброҳим хизматида етти йил бўлди. Шайх уни ўз фарзанди

каби кўрди. Сўнг Шайх уни Шайх Исмоил Бистомий хузурига йўллади. Бу ерда Нажмиддин расми адабни ўрганмоғи керак эди. Нажмиддин Шайх Исмоилга садоқат билан хизмат қилди. Шайх унга “Кубро” деб от кўйди. Шунинг учун у “Нажмиддин Кубро” бўлди. Боғдодга келиб, Шайх Иброҳимдан рухсат олиб Хоразмга кетди. Бу ерда шайхлик силсиласини тузди, элга машхур бўлди.

(Нажмиддин Кубро тўғрисидаги қиссадан олинган).

24. Нажмиддин Кубронинг форс тилида ёзилган 27 рубойсини айтиб беринг?

(Назар Халимовнинг “Кўҳна Урганчга саёҳат” китобида шоирнинг форс тилида берилган бир рубойси, шоир ва таржимон Матназар Абдулҳаким томонидан таржима қилиниб кенг китобхонларга тақдим этилди.

*Халқ суҳбати айлади паришон фақат,
“Қола йақулу” қилгай хайрон фақат,
Қўл юв ҳамадан, сўнгра чекил узлатга,
Қилмагайсен шунда пушаймон фақат.*

25. Қуйида келтирилган парча қайси шоирнинг шеърдан олинган?

*Комил устозсиз буюк, довруглисиз олам аро,
Согиниб эрдик чунон, давронимизга марҳабо,
Минг шукр, огушимизга сизни етказди худо,
Айтган ҳар бир сўзингиз бамисоли дур оҳанграбо,
Хоразмнинг ифтихори, бахтисиз Кубро бобо.*

(Ошиқ Эркиннинг “Кубро бобо” шеърдан олинган).

26. Ушбу келтирилган парча қайси шеърдан олинган?

*Эй улуғ наслимнинг азиз дилбанди,
Яшама қулликда асло кўникиб.
Сен-да шу сўзларни ҳайқариб куйла:
“Ватан бизникидир, Ватан меники!”*

(Юқорида келтирилган парча Пўлатбек Эрматнинг “Шайх Нажмиддин Кубронинг хитоби” шеърдан олинган).

27. Шайх Нажмиддин Кубронинг образи акс эттирилган шеърдан бир парча келтиринг?

*(Ошиқ Эркиннинг “Кубро бобо” шеърдан парча:
Сиздан олганлар бари аҳли илм андозалар,
Элу юрт сиздан олиб ўрнак, кўнгилни тозалар,
Сизга осмондай очиқ очунда бир дарвозалар,
Айтган ҳар бир сўзингиз баайни дур, оҳанрабо
Хивамизнинг ифтихори, бахтисиз Кубро бобо.)*

28. Нажмиддин Кубро “Ватанни севмоқ иймондандир” ҳадисини сўфиёна идрок этиб татбиқ этган шиорини айтиб беринг?

(Нажмиддин Кубро “Ватанни севмоқ иймондандир” ҳадисини сўфиёна идрок этиб, XIII аср тарихий шароитига татбиқ қилиб: “Ватан ҳимояси иймон белгиси” деган).

29. Нажмиддин Кубро ҳақида рисола ва илмий мақолалар ёзган олимлардан кимларни биласиз?

(С.Э. Бертельс, Нажмиддин Комилов, Ҳамидхон Исломий, Эркин Юсупов, Ориф Усмонов, Азиз Қаюмов, Омонулло Бўриев, Неъматуллоҳ Жабборов, Ҳамиджон Ҳомидий ва бошқалар).

30. Нажмиддин Кубро қачон вафот этган?

(Нажмиддин Кубро 1221 йилда Чингизхон тўдаларига қарши жангда шаҳид бўлган).

Беллашув якунини махсус ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, уларнинг қисқа ва батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига файласуфлар, адабиётшунослар, диншунослар, ёзувчи ва шоирлар, адабиёт ўқитувчилари таклиф этилади. Голибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва Нажмиддин Кубро мақбараси тасвирланган плакат, открыткалар ҳамда эсдаликлар топшириш мумкин.

**“Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тариқати”
Давра суҳабати учун саволлар**

*Тасаввуф – бу – бошдан оёқ яхши ахлоқдир, бўтам,
Тасаввуф – бу – илоҳий Ииқ, Ииқи Ҳаллоқдур, бўтам.
Тасаввуфий тариқатни тавсифлаб Кубро демуш:
Тариқимиз-маъданлардан олтин қуймоқдур, бўтам.*

Шайх Кубро

1. Тасаввуф миллий, диний меросгина эмас, балки умуминсоний қадрият ҳамдир дейилади. Бу борада сизнинг фалсафий фикрингиз?
2. Тасаввуф тариқати инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи фалсафий таълимотлар билан узвий боғлангандир. Шу ҳақида сизнинг фикрингиз?
3. Шайхимиз тасаввуфий дунёқарашининг асл моҳияти нимадан иборат?
4. Кубронинг тасаввуфий таълимотидаги асосий ахлоқий-тасаввуфий дунёқарашига сабаб нима?
5. Тасаввуфда комил инсон тушунчаси нимадан иборат?
6. Комилликка интилган инсон, улуғ шайх, комил дарвешлар сийратини ўрганиб, эътиқод билан улар маърифатини эгаллаш керак, дейилган. Бу тўғрисида сизнинг фикрларингиз?

**“Шайх Нажмиддин Кубро ва кубровия тариқати”
Савол-жавоб кечаси**

*Нажмиддин Кубро тасаввуфнинг
машҳур шайхларидан бири, кубровия
тариқатининг асосчиси.*

Н.Комилов

1. Тасаввуф тариқатида – кубровия тариқатининг моҳияти ва ўрни.
2. Кубровия тариқати қайси мамлакатларда эътиборга сазовор бўла бошлаган. Бунга сабаб нимада?

3. Кубровия тариқати ўзидан олдинги тасаввуф таълимотларидан нимаси билан ажралиб туради?

4. Кубровия тариқати тасаввуфнинг энг кўп тарқалган йўллари билан бирига айланади, дейилади, бунинг сабаблари нимада?

5. Кубровия тариқатининг кўп мамлакатларга тарқалиб кетишига сабаб нима?

6. Кубровия тариқатидаги қайси шаҳобчалар ажралиб чиққан ва уларнинг ўзига хос йўли ва жиҳатларини айтиш?

7. Кубровия тариқатининг қоидалари нечта, улар қайсылардан иборат?

“Миллат ва дин юлдузи” мавзусида китоб кўргазмаси тайёрлашнинг тахминий режаси

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси кутубхонада ўтказиладиган кечани ва барча турдаги тадбирларни тўлдирди.

Кўргазма 3 ёки 4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.

1. Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолиятининг саҳифалари

Табаррук ўлкамиз Туркистон (Мовароуннаҳр)да жуда кўп забардаст мутафаккирлар ва мутасаввуф донишмандлар яшаб ўтишган. Буюк тасаввуф олими, шоир ва кубровия тариқатининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро шундай улуг зотлардан ҳисобланади.

О.Усмонов

Бу бўлимга Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги нашрлар қўйилади.

2. Нажмиддин Кубро мутафаккир

*Нажмиддин Кубро бутун
муслмон оламида катта обрў ва
эътиборга эга бўлган, ҳозир ҳам номи
чуқур ҳурмат билан тилга олиниб
келинаётган йирик мутасаввуф олим,
забардаст файласуф, мутафаккирдир.*

Э.Юсупов

Бу бўлимга Нажмиддин Кубронинг алоҳида ва вақтли матбуотларда чоп этилган асарлари қўйилади.

3. Нажмиддин Кубро бадий адабиётда

Бирубор-о-о-о...

Мен Нажмиддин Кубро-о-о-о...

Ўзинг кир оро-о-о-о...

Ё аҳли Хоразм, бўлар чўнг базм...

Базммас – расм!!!...

Қуёшга ўрлайди зулмоний бир дуд...

Муҳаммад Ғози

Бу бўлимга Нажмиддин Кубро тўғрисидаги қиссалар, ҳикоятлар, шеърлар, у ҳақида яратилган бадий асарлар қўйилади.

4. Нажмиддин Кубро кубровия тариқатининг асосчиси

*Ҳозирги кунда Эроннинг юздан
ортиқ шаҳарларида кубровия тариқа-
тининг бир тармоғи – неъматуллоҳия
таълимоти тарафдорларининг хона -
қоҳлари бор.*

Корейя Макрей

Бу бўлимга Кубровия тариқатига ва Нажмиддин Кубронинг кароматлари, муридлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлган нашрлар қўйилади.

Кутубхоналарда ўқизиш мумкин бўлган тадбирлар

туркуми

Китобхонлар конференцияси

1. “Валийлар яратган валий”.
2. “Тасаввуфнинг улуғ намояндаси”.
3. “Нажмиддин Кубро - Ватан ҳимоячиси”.
4. “Нажмиддин Кубро мутасаввуф донишманд” каби мавзуларда;

“Буюк мутафаккир”, “Буюк ватандошимиз”, “Миллий қаҳрамон” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Нажмиддин Кубро кароматлари”.
2. “Нажмиддин Кубро муридлари”.
3. “Нажмиддин Кубро меросини биласизми?”
4. “Шайх Нажмиддин Кубро ҳақидаги ривоятларни биласизми” каби мавзуларда;

“Кароматлар соҳиби”, “Миллат ва дин юлдузи” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. “Нажмиддин Кубро яшаган давр ҳақида”.
2. “Шайх Нажмиддин Кубро ватансеварлик рамзи”.
3. “Нажмиддин Кубро таълимотининг маънавий заминлари” каби мавзуларда;

“Кубровия тариқатининг асосчиси”, “Мутасаввуф донишманд”, “Довюррак саркарда” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. “Ахлоқий поклик, мардлик, ҳожатбарорлик ғояларини тарғиб этган аллома”.
2. “Инсонни жисмоний ва маънавий покликка даъват этган мутасаввуф шоир”.

3. “Нажмиддин Кубро ижодида комил инсон тарбияси” каби мавзуларда;

“Оташнафас шоир”, “Нажмиддин Кубро ажойиб файласуф”, “Нажмиддин Кубро – жавонмард” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. “Кубровия тариқатини биласизми?”
2. “Нажмиддин Кубро рубоийларини биласизми?”
3. “Нажмиддин Кубро ҳикматларини биласизми?”

каби мавзуларда;

“Нажмиддин Кубро файласуф”, “Ватанини ҳимоялаган қаҳрамон” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Мунозара кечаси

1. “Мутасаввуф олим Рўзбехон Ваззон ал-Мисрийнинг Нажмиддин Кубро фаолиятига таъсири”.

2. “Фи-ал-адаб” рисоласида берилган амаллар тўғрисида фикрингиз?

3. “Мутасаввуфнинг гўзал инсоний фазилатлар тўғрисидаги фикрлари” каби мавзуларда;

“Хоразмнинг улуғ фарзанди”, “Ватанини улуғлаган Шайх”, “Ватанини ҳимоя қилган файласуф” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Учрашув кечаси

Адабиётшунос, файласуф олимлар билан.

1. Азиз Қаюмов.
2. Нажмиддин Комилов.
3. Ориф Усмоновлар билан

“Умри боқий мутасаввуф”, “Мангу бахтли сиймо”, “Ватанимиз қаҳрамони” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Хотира ва қадрлаш соати

1. “Мутасаввуф ҳикматлари”.
2. “Буюк инсон эди”.

3. “Оташнафас мутасаввуф шоир” каби мавзуларда;
“Ўчмас номинг жаҳонда”, “Рухлари шод бўлсин”,
“Авлодлари унутмайди” каби мавзуларда китоб кўргазмаси
ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

“Шайх Нажмиддин Кубро 860 ёшда” рукни остида
картотека тузиш ва асарларининг алоҳида нашрлари, у
ҳақидаги материаллар билан картотекани бойитиб бориш.

Қатнашувчилар: жойлардаги “Маънавият ва
маърифат” жамоатчилиқ марказлари, “Олтин мерос”,
“Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалар вакиллари, “Камолот”,
ёшлар ижтимоий ҳаракати, диний кўмиталар, хотин-қизлар
кўмиталари, диншунослар, файласуфлар, адабиётшунослар,
тарихчилар, ёзувчи ва шоирлар, педагоглар, журналистлар
ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга
мувофиқ.

Адабиётлар

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.—
Т.3.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-366 б.

Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан
курамиз.-Т.7.-Т.: Ўзбекистон, 1999.-413 б.

* * *

Кубро Шайх Нажмиддин. Жамолнинг менга бас:
Рубоийлар /Форсийдан Матназар Абдулҳаким тарж.-Т.:
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.-64 б.

Титл в., матн кирилл., лот., форс. эск. ўзбек
ёзувларида.

* * *

Нажмиддин Кубро. Рубоийлар / Жамол Камол тарж.
// Шарқ юлдузи.-1988.-№ 7.-Б. 139-141.

Нажмиддин Кубро. Фақирлик ҳақида рисола: Парча:
[Башорат садолари] /М.Маҳмудов тарж. //Тафаккур.-1995.-
№3-4.-Б.67-71.

Нажмиддин Кубро. Руҳият дунёси: [“Фақирлик
ҳақидаги рисола”дан; тасаввуф йўлини тутган фақирлик
наъти, Оллоҳ таолонинг Бандаларига бўлган муҳаббатининг
аломати ҳақида; Фақирнинг хилватга киришининг сифати
ҳақида; унинг одоблари шарҳи] /М.Маҳмудов тарж.
//Ёшлик.-1998.-№1.-Б.58-59.

Нажмиддин Кубро. Энг оғир бало – мунофиқ
дўстлар: [Тафаккур] //Хуррият.-1999.-1-7 дек.

* * *

Кубро Нажмиддин Шайх. Мақолалар /Масъул
муҳаррир Э.Юсупов.-Т.: Ёзувчи, 1995.-80 б.

Шайх Нажмиддин Кубро қутби даҳр: мақолалар
тўплами / Ўз.Р.ФА. Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти; Тошкент
давлат юридик ин-ти.-Т., 1998.-188 б.

Исломий Ҳомадхон. Нажмиддин Кубро.-Урганч:
Хоразм, 1995.-70 б.

Комилов Н. Нажмиддин Кубро: Рисола.-Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 1999.-32 б.

* * *

Нажмиддин Кубро (1145–1221) //Буюк сиймолар, алломалар: (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). К.1. /Нашрга тайёрловчи М.М.Хайруллаев.-Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 1995.-Б.92-98.

Нажмиддин Кубро (1145 – 1221) //Мустақиллик: Изоҳли илмий оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 1998.-Б.170-172.

Нажмиддин Кубро (1145 – 1221) //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар) /Масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев.-Тўлд.қайт нашр.-Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 1999.-Б.137-142.

Нажмиддин Кубро (Рисола) Тарикат куброси //Комилов Н. Тасаввуф 2-нчи китоб. Тавҳид асрори.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.-Б.151-188.

Нажмиддин Кубро (1145 – 1221) //Мустақиллик: Изоҳли илмий оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда.-Т.: Шарқ, 2000.-Б.170-172.

Нажмиддин Кубро (1145 – 1221) //Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар) /Тўпловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. - Тўлд.қайта ишланган нашр. - Т.: А.Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 2001.-Б.153-159.

Нажмиддин Кубро // Ҳомидий Ҳамиджон. Тасаввуф алломалари /Масъул муҳаррир Н.Комилов.-Т.: Шарқ, 2004.-Б.124-128.

Шайх Нажмиддин Кубро // Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами 17-Т. Насойим ул-муҳаббат /Масъул муҳаррир С.Рафиддинов.-Т.: Фан, 2001.-Б. 287-292.

Кубро бобо: Шеър // Ошиқ Эркин. Мехринг тушди юракка: Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, достон.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.-Б. 94.

Нажмиддин Кубро (1145-1221): [Нажмиддин Кубро хақида] //Кўзгу.-2000.-3 февр.

Нажмиддин Кубро мақбараси //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 6 жилд. Мирий-Пархши. / Таҳрир хайъати: А.Абдувохитов, А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2003.-Б.241.

Сулаймон Боқирғоний ва Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тариқатида маърифий ахлоқий таълимнинг ўрни //Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси: (Олий ва ўрта махсус билим юрт. ҳамда мактаб ўқитувчилари учун тавсия этилган) / И.О.Обидовнинг умумий таҳрири остида.-Т.: Ўқитувчи, 1996.-Б.149-168.

* * *

Баҳодирхон Абулғозий. Шажарайи турк. Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун /Масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи Б.А.Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар: Қ.Муниров, К.Маҳмудов.-Т.:Чўлпон, 1992.-192 б.

Иброҳимов И. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати.-Т.: Шарқ баёзи, 1993.-103 б.

Комилов Н. Кубро, Нажмиддин Кубро //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 5 жилд. Конимех-Мирзоқуш. Таҳрир хайъати: А.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2003.-Б.112.

Комилов Н. Кубровийлик //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 5 жилд. Конимех-Мирзоқуш. Таҳрир хайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2003.-Б.112-113.

* * *

Абдулҳаким Матназар. Йигирма еттинчи рубоий: [Хоразм Маъмун академияси илмий ходими, шоир ва таржимон билан буюк аждодимиз Шайх Нажмиддин Кубронинг асарлари хусусида суҳбат] /Суҳбатдош Б.Махмудов //Маърифат.-2002.-23 янв.

Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Кубровия таълимоти //Мулоқот.-1995.-№3-4.-Б.54

Бертельс Евгений. Нажмиддин Кубро: Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари /Урфон Отажон тарж. //Мулоқот.-1995.-№3-4.-Б.46-50.

Бобохон Муҳаммад Шариф. Валийлар яратган валий: [Шайх Нажмиддин Кубро ҳақида] //Ўзбекистон овози.-1994.-12 февр.

Даврон Хуршид. Авлиёлар яратувчи Шайх: [Буюк тимсоллар] //Тафаккур.-1995.-№3-4.-Б.63-66.

Комилов Н. Ирфон ва заковат юлдузи //Халқ сўзи.-1996.-3 нояб.

Мадраҳимов Э. Нажмиддин Кубро //Хоразм ҳақиқати.-1991.-8 янв.

Матвафоева М. Шайх Нажмиддин Кубро: [Шоир, файласуф, тариқат пешвоси, шайх (1145 – 1221) ҳаёти ҳақида] //Фидокор.-2003.-27 февр.

Матжон Омон. Шайх Нажмиддин Кубро монологи: Шеърӣ лаҳза // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1995.-10 нояб.

Муҳаммад Ғози. Шайх Нажмиддин Куброх муроқабаки: Бисмиллаҳур раҳмонир раҳим: [Шеър] //Мулоқот.-2000.-№6.-Б.53.

Олим Султонмурод. Буюк алломалар ёки Кубро-Аттор-Навоий хусусида //Халқ сўзи.-1993.-20 июль.

Олим Султонмурод. Ориф, олим ва қаҳрамон: [Шарқнинг машҳур шайхларидан Нажмиддин Кубро ҳақида] //Ўзбекистон овози.-1993.-7 июль.

Раҳмонов М. Ўзбек халқ тарихий афсоналарида Нажмиддин Кубро образи //Тил ва адабиёт таълими.-2002.-№6.-Б.34-39.

Самандар Эркин. Ғайб қушлари: Ҳикоя (Мустақиллик йўлида жон берган ватандошларимнинг сўнмас хотирасига бағишлайман) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2000.-10 нояб.

Сафаров М. Нажмиддин Кубро ва Жалолиддин Мангуберди Хоразм ҳимояси учун кураш қаҳрамонлари //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.-1999.-№7-8.-Б.6-8.

Улуғов А. Шайх Нажмиддин Кубро: [Шу номли сахна асаридан парча] //Гулистон.-1999.-№1.-Б.42-45.

Усмон Ориф. Кубро - Ватан ҳимоячиси: [Хоразмнинг бузурғвор ўғлони, мўғул истилосига қарши олиб борилган қаҳрамонона курашларининг ғоявий ва маънавий раҳбари, улуғ мутассаввуф донишманд Шайх Нажмиддин Кубро (1145 – 1221) ҳақида] //Мулоқот.-2000.-№3.-Б.51-53.

Усмон Ориф. Нажмиддин Кубро //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2000.-№3-4.-Б.190-191.

Усмон Ориф. Шайх Кубро абадияти: [Шоир, ҳадис, фикҳ ва тасаввуф илмлари устаси, нафақат Хоразм, балки бутун Ислом оламининг ифтихори Шайх Нажмиддин Кубро ҳақида] //Тошкент оқшоми.-1997.-21 нояб.

Юсупов Э. Нажмиддин Кубронинг тасаввуф тариқати //Халқ таълими.-1995.-№1.-2.-Б.48-54.

Қобулов Н. Улуғ машойих ва миллий қаҳрамон: [Нажмиддин Кубро ҳақида] //Фан ва турмуш.-1995.-№ 4.-Б.18-19.

Қурбон Темур. Шайх Нажмиддин Кубро: [Буюк мутафаккир олим XII – XIII аср тасаввуфининг улуғ намояндаларидан бири Аҳмад бинни Умар Абулжанноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хивақий ал-Хоразмий (1145 – 1221) ҳақида] //Ишонч.-1999.-3 авг.

Ҳасан Рўзимбой. Шайх Нажмиддин Кубронинг рухи
//Санъат.-1990.-№12.-Б.11-12.

Ҳасанов С. Нажмиддин Кубро: [Турон замин
дарғалари] //Ишонч.-2000.-25 июль.

Мундарижа

Муқаддима	3
Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолияти	5
Нажмиддин Кубро рубоийларидан намуналар	11
Нажмиддин Кубро каромату холатларидан мисол ва ривоятлар	12
Нажмиддин Кубро насиҳатларидан намуналар ...	14
Нажмиддин Кубро ҳақида	16
Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар	18
Давра суҳабати учун саволлар	26
Савол-жавоб кечаси	26
Китоб кўргазмаси тайёрлашнинг тахминий режаси	27
Кутубхоналарда ўқизиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми	29
Адабиётлар	32

Босишга рухсат этилди 2005 йил “ ___ ” _____

Бичими ___ нашр. т. ___ нусха. Буюртма № _____

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп этилди